



The role of the Olympic Charter in the regulation of the activity of the International Olympic Committee

Anvar KHAYOTOV¹

Institute of Retraining and Advanced Training of Specialists in Physical Culture and Sport

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2023
Received in revised form
15 February 2023
Accepted 15 March 2023
Available online
25 April 2023

Keywords:

International Olympic Committee, International Olympic Movement, Olympic Charter, international legal personality, international non-governmental organization, international intergovernmental organization, international legal recognition.

ABSTRACT

This article is devoted to the consideration of the status of the International Olympic Committee in international public law based on the analysis of the rules of the Olympic Charter. The article analyzes the official status of the International Olympic Committee as a non-governmental organization registered in accordance with Swiss law, as well as the actual practice of States underlying the recognition of the IOC as a subject of international law.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss2-pp243-250>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Халқаро олимпия қўмитаси фаолиятини тартибга солишда олимпия хартиясининг роли

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Олимпия хартияси қоидаларини таҳлил қилиш асосида Халқаро Олимпия қўмитасининг халқаро оммавий ҳуқуқдаги мақомини кўриб чиқишга бағишланган. Бунда Халқаро Олимпия қўмитасининг Швейцария қонунчилиги бўйича рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилот сифатидаги расмий мақоми, шунингдек ХОҚни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олишга асос бўлган давлатларнинг ҳақиқий амалиёти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар:

Халқаро Олимпия қўмитаси, Халқаро Олимпия ҳаракати, Олимпия хартияси, халқаро ҳуқуқ субъекти, халқаро нодавлат ташкилоти, халқаро ҳуқуқматлараро ташкилот, халқаро-ҳуқуқий тан олиш.

¹ Associate Professor, Department of Social Disciplines, Institute of Retraining and Advanced Training of Specialists in Physical Culture and Sport. E-mail: sunshine_83@mail.ru

Роль Олимпийской Хартии в регулировании деятельности Международного олимпийского комитета

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Международный олимпийский комитет, Международное олимпийское движение, Олимпийская Хартия, международная правосубъектность, международная неправительственная организация, международная межправительственная организация, международно-правовое признание.

Данная статья посвящена рассмотрению статуса Международного олимпийского комитета в международном публичном праве на основе анализа положений Олимпийской Хартии. Анализируется официальный статус Международного олимпийского комитета в качестве неправительственной организации, зарегистрированной в соответствии со швейцарским законодательством, а также фактическая практика государств, лежащая в основе признания МОК субъектом международного права.

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) ва у бошчилигидаги Олимпия ҳаракати фаолияти Олимпия хартияси қоидалари билан тартибга солинади. Унинг муаллифлиги ХОҚ асосчиси Пьер де Кубертенга тегишли. Пьер де Кубертен 1894 йилда бўлиб ўтган Париж таъсис Конгрессида ХОҚнинг Олимпия ўйинларини ўтказиш, уларни доимий равишда такомиллаштиришга интилиш, барча спорт мусобақаларини рағбатлантириш каби мақсадларини белгилаб берган “Регламентлар” номи қўлёзмасини шахсан тақдим этган [1]. Хартия биринчи марта 1908 йилда “Annuaire du Comité International Olympique” (Халқаро Олимпия қўмитаси маълумотномаси) номи билан нашр этилган бўлиб, унинг биринчи бобида келтирилган баъзи қоидалар Пьер Де Кубертен томонидан тахминан 1898 йилдаёқ ёзилган. Гарчи “Олимпия хартияси” номи одатда, унинг барча нашрларига нисбатан қўлланилса-да, фақат 1978 йилдан бошлаб, ушбу ном расмий нашрнинг номи сифатида қўлланиладиган бўлди. Шунингдек, Хартиянинг баъзи нашрлари бир нечта алоҳида қисмлардан иборат бўлган. Шунинг учун Олимпия хартияси деб ҳисобланадиган жилдлар турли номлар остида учрайди, масалан: Замонавий олимпиадалар ва тўрт йиллик Олимпия ўйинлари тўғрисидаги Статут/ Низом ва протокол/ иштирокчиларнинг мурожаатлари, 1921; 1946 йилги Олимпия қоидалари ва бошқалар[2].

Бир асрдан кўпроқ вақтни ўз ичига олган эволюцияни бошдан кечирган Олимпия хартияси бугунги кунда “Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) томонидан қабул қилинган Олимпизмнинг асос солувчи принциплари, қоидалари ва расмий тушунтиришларининг кодификациясини ифодалайди” [3]. Ушбу қоидалар олти бобга бирлаштирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: “Олимпия ҳаракати”, “Халқаро Олимпия қўмитаси”, “Халқаро федерациялар”, “Миллий Олимпия Қўмиталари”, “Олимпия ўйинлари” ҳамда “Чора ва санкциялар, интизомий тартиб-таомиллар ва низоларни ҳал қилиш”.

Др. Александр Мигель Местренинг фикрича: “Юридик нуқтаи назардан, Олимпия хартияси, бу шунчаки Швейцария қонунчилигига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан тасдиқланган ҳужжатдир. Бироқ Халқаро Олимпия қўмитасининг, шунингдек, бутун Олимпия ҳаракатининг назарида Олимпия хартияси универсал юридик характерга эга бўлган тўлақонли халқаро шартнома бўлиб, бу унинг ҳуқуқий табиати натижаси эмас, балки Олимпия ўйинларининг обрў-эътибори, ҳуқуқий бўлмаган элементи, яъни ижтимоий, иқтисодий ва спорт соҳасидаги нуфузининг натижасидир. Фақатгина ушбу контекст давлатлар, халқаро ташкилотлар ва турли судлар томонидан Олимпия хартиясининг ҳуқуқий устуворлигининг умумий тан олишини ифода этиши мумкин” [5].

Кўпчилик Ғарб тадқиқотчиларининг ишларида ХОҚ халқаро нодавлат ташкилоти эканлиги, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятига аъзо давлатлар учун мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмаслигига қарамай, Олимпия хартиясини, унинг халқаро таъсири ва қўлланилиш доирасини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормалари билан бир хил юридик кучга эга, деган фикр илгари сурилади. Бунда ХОҚ қоидаларида ифодаланувчи умумэътироф этилган халқаро амалиёт ҳамда халқаро ҳуқуқий одат нормаларининг белгилари ўртасидаги ўхшашликка ишора қилинади.

Бундан келиб чиқадик, Олимпия хартияси қоидалари мажбурий табиатга эга бўлиб, “Олимпия ҳаракатида иштирок этаётган ҳар бир шахс ёки ташкилот ХОҚнинг олий ҳокимиятини тан олиши керак: улар ХОҚ қоидалари таъсири ва юрисдикцияси остида” [5].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1950-йиллардан бошлаб, давлатлар спорт феномени кўламини англаган ҳолда, спортга ва уни бошқаришга қизиқиш билдира бошлаганларидаги мантиқни тушуниш қийин эмас. Аммо спортни, шу жумладан, халқаро спортни ўз манфаатлари доирасига киритган давлатлар, ХОҚнинг жаҳон спорт майдонида ярим асрлик муваффақиятли фаолиятига асосланган обрў-эътиборига дуч келишди. Бу эса эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган омил бўлиб, “ХОҚнинг ташкил этилиши, мафкураси ва тарихий ривожланиши, спортнинг халқаро сиёсий тизимда муҳим фаолият тури сифатида ўсиши учун асосий марказни таъминлади” [6]. Бундай вазиятда давлатлар нафақат ушбу тизимга спорт устидан назоратни сақлаб қолишга имкон беришди, балки “Олимпия ғояларининг давлатлар миллий мақсадларига мувофиқ созланган шакли асосида” ўзларининг миллий спортни ривожлантириш дастурларини яратишга ҳаракат қилишди [5]. Бугунги кунда дунёнинг 199 мамлакатада “ХОҚ элчихоналари”, яъни Миллий Олимпия қўмиталарининг мавжудлиги давлатларнинг спорт ва Олимпия хартиясига содиқлигининг энг яхши тасдиғидир. Бу, хусусан, Олимпия хартияси қоидалари ички қонунчилик ва миллий сиёсатда тобора кўпроқ акс этаётганлигида намоён бўлмоқда. Бунга мисол сифатида: АҚШнинг ҳаваскор спорт тўғрисидаги Қонуни (1978 й.), Австралиянинг Олимпия рамзларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни (1987 й.), Сеулдаги Осиё ва Олимпия ўйинлари ташкилий қўмиталарини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Корея Республикаси Қонуни (1981 й.) [7] ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ўз мамлакатларида Олимпия ғояларини тарғиб қилиш ва ёшларни унинг руҳида тарбиялаш мақсадида давлатлар ХОҚ томонидан ишлаб чиқилган “таълим

тизими орқали Олимпия ғоялари” дастури асосида Миллий таълим дастурларига Олимпия ҳаракати тарихи курсини киритмоқдалар. Бундай амалиёт Канада, Буюк Британия, Германия, Австралия, Хитой ва бошқа мамлакатларда мавжуд. 1994 йилда Париждаги Олимпия Конгрессида сўзга чиққан Хитой Халқ Республикаси МОҚ вакили Ш. Ву Хитойда мактаблар, коллежлар ва университетлар дастурларига киритилган Олимпия таълими жисмоний тарбиянинг ажралмас қисмига айланганини таъкидлади [8]. Ўзбекистонда бундай ўқитиш Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида, шунингдек Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида “Олимпия билимлари асослари”, “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фанлари доирасида олиб борилади.

Хартия қоидалари бир неча бор давлатларнинг ички судлари томонидан кўриб чиқилган ва уларнинг қарорлари ХОҚ ва Олимпия ҳаракати учун алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, 1977 йилда Бельгия суди Франция судлари, шунингдек Европа Кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан халқаро спорт қоидалари муайян контекстда қарама-қарши миллий сиёсат ва қонунлардан устунлигини тасдиқловчи қарор қабул қилди.

1983 йилнинг августида эса АҚШда икки югурувчи спортчи-аёллар ташкилоти ҳамда 27 мамлакатдан 82 нафар спортчи-аёл 1984 йилги Лос-Анжелес шаҳридаги Олимпия ўйинларининг югуриш бўйича мусобақалари дастурига аёллар орасида 5000 ва 10000 метрга югуриш беллашувлари киритилмаганлиги уларни жинсига кўра дискриминация қилиш деб ҳисобланишини даъво қилган ҳолда, Лос-Анжелес Округ судига Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ), Халқаро ҳаваскор энгил атлетика Федерацияси (ИААФ), АҚШ Олимпия қўмитаси, АҚШ Атлетик Конгресси, Лос-Анжелес Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг турли даражадаги мансабдор шахслари устидан ариза беришган [9].

Олимпия дастурига аёллар орасидаги 5000 ва 10000 метрга югуришни киритмаслик тўғрисидаги қарор ХОҚ томонидан Олимпия ўйинлари дастурига ҳар қандай беллашув турини киритилишидан олдин улар олдинги Олимпия цикли давомида миллий ва халқаро мусобақаларда кенг намойиш этилиши кераклиги тўғрисидаги қоида асосида қабул қилинган. Бундан ташқари, уни Олимпиада дастурига киритиш тўғрисидаги қарор, тегишли халқаро спорт федерацияси тавсиясига асосан, ушбу мусобақалар биринчи марта киритиладиган Олимпия ўйинлари бошланишидан тўрт йил олдин қабул қилиниши керак.

Аёллар ўртасида мазкур масофаларга югуриш мусобақаларининг Олимпия ўйинларининг дастурига киритилиши белгиланган шартларга жавоб бермагани сабабли Халқаро ҳаваскор энгил атлетика Федерацияси (ИААФ) ХОҚга ушбу турдаги мусобақаларни Олимпия дастурига киритиш тавсиясини бермаган.

Натижада, биринчи инстанция суди даъвогар ўз фойдасига ҳизмат қилувчи бирон-бир далил келтирмади, деб топди ва даъвони қаноатлантирмади. Иккинчи инстанция суди эса ХОҚ Олимпия Хартиясига қатъий риоя этган ҳолда ҳаракат қилганлиги ва шу тариқа АҚШ қонунларини бузмаганлиги тўғрисида қарор чиқарди.

Суд Олимпия ўйинлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлатнинг ички қонунларини эҳтиёткорлик билан қўллаш кераклиги тўғрисида

аргументларни ишончли деб топди. Унинг таъкидлашича, “Олимпия ўйинлари Олимпия хартияси деб номланган халқаро битим асосида ўтказилади”. Шу сабабли, ушбу битим қоидаларига мувофиқ бутун дунё спортчилари иштирок этадиган ўйинларни ўзгартириш учун ҳар қандай ички қонунни қўллаш жуда мушкулдир [9].

АҚШ Олий суди қуйидагича қарор қилди, гарчи АҚШ Олимпия қўмитаси расмий ҳукумат тузилмаси бўлмаса-да, Конгресс Олимпия хартияси мақсадларининг 1- қоидасини, яъни “Олимпия тамойилларини тарғиб қилиш”ни ифодаловчи қоидасини расман тан олди; суднинг тўрт судьяси эса ХОҚни “жуда таниқли ва нуфузли халқаро ташкилот” сифатида таърифлади [10].

Шундай қилиб, Олимпия ҳаракати нафақат суд қарорларидан зиён кўрмади, балки аксинча, уларнинг кўпчилигида ғалаба қозонди, чунки судлар бирин-кетин ХОҚнинг ишларига аралашидан бош торта бошладилар. Аслини олганда, судлар Олимпия ўйинлари давлатлар аралашувисиз, Олимпия хартиясида назарда тутилган ва ХОҚ томонидан қўлланиладиган қоидалар ва тартибларга мувофиқ ўтказилиши керак деган қарорга келишган. Олимпия хартиясининг халқаро келишув сифатида тан олиниши жуда муҳим бўлиб, бу ҳолни нафақат ХОҚнинг мақомини белгилашда, балки умуман халқаро нодавлат ташкилотлари амалиётида ҳам ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

ХОҚнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги ҳақиқий кўламини баҳолаш учун у томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ХОҚ тузилмасидан ташқарида муайян ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги таъсирини ҳисобга олиш муҳимдир. Масалан, 1981 йилда Кения пойтахти Найроби шаҳрида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига (БИМТ) аъзо давлатлар томонидан ХОҚнинг мутлақ мулки бўлган Олимпия рамзи - ўзаро боғланган бешта ҳалқани ҳимоя қилиш тўғрисидаги Найроби шартномаси имзоланган бўлиб, Олимпия хартиясининг мазкур ҳужжатга яққол таъсирини кузатиш мумкин. Шартнома классик ҳукуматлараро битим бўлиб, 2023 йилнинг март ойи ҳолатига кўра, унга 55 та давлат қўшилган (таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олимпия рамзини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Найроби шартномасини ратификация қилган давлатлар орасида йўқ) [12]. Шартнома Жаҳон ҳамжамиятининг Хартия қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган кўп томонлама ҳимоя чораларининг намунаси бўлиб, у давлатлар учун Олимпия ҳаракатига нисбатан ўзини тутиш қоидаларини, хусусан, Олимпия эркинликлари ва уларнинг кафолатларига аралашмасликни белгилайди. Шартноманинг предмети Олимпия рамзини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида рамзнинг тавсифи учун ХОҚ Уставига (яъни Олимпия хартиясига) ҳавола қилувчи бланкет норма мавжуд. Бундан ташқари, шартноманинг 3-моддаси унинг амал қилишини Халқаро Олимпия Қўмитаси ва тегишли давлатнинг Миллий Олимпия Қўмитаси ўртасида тан олиш тўғрисидаги битимнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйган. Шундай қилиб, нодавлат ташкилотнинг таъсис ҳужжати ва унга асосланган ХОҚ ва МОҚ ўртасидаги ҳаракатлар ҳукуматлараро битимнинг амал қилишига боғлиқ бўлган юридик факт бўлиб хизмат қилади [13].

ХОҚ расман қароргоҳи Швейцарияда жойлашган ва унинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилоти, хусусий юридик шахс ҳисобланса-да, Швейцария ҳукумати ХОҚнинг ўзига хос алоҳида ҳуқуқий мақомга эга эканлигини тан олади. Халқаро Олимпия Қўмитасининг Швейцариядаги алоҳида

мақоми ХОҚ ва Швейцария Федерал Кенгаши ўртасида 2000 йил 1 ноябрда тузилган битим билан ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда кўмитанинг бутун инсоният учун юқори аҳамиятли соҳани тартибга солишдаги алоҳида роли туфайли халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги эътироф этилади. Битим муқаддимасида кўмитанинг Олимпия ҳаракатида олий ҳокимият сифатидаги халқаро фаолияти ҳақида гапирилиб, халқаро муносабатлардаги ўрни ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар билан тузилган шартномалари туфайли халқаро ҳуқуқ субъекти элементларига эга эканлиги тан олинади [10].

Олимпия хартияси қоидалари нуфузли халқаро ташкилотлар ва конференциялар фаолиятида тобора кенг акс этмоқда. Масалан, 1978 йилда Европа Спорт вазирларининг иккинчи (ҳукуматлараро) конференцияси Олимпия хартиясини ратификация қилувчи қарор қабул қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил ноябрда бўлиб ўтган 58-сессиясида “Спорт ва Олимпия идеали орқали янада тинчроқ ва яхшироқ дунёни қуриш” номли резолюция қабул қилинди. БМТга аъзо 141 давлат вакиллари ушбу ҳужжатни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар, бу эса ташкилот учун рекорд кўрсаткичлардан ҳисобланади [14].

Ва ниҳоят, Олимпия хартияси қоидаларининг ўзига хос ҳуқуқий табиати ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, улар нафақат халқаро ҳуқуқ нормалари сифатида кенг тан олинмоқда, балки халқаро ҳуқуқнинг янги тармоғи - халқаро спорт ҳуқуқини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инсониятнинг долзарб эҳтиёжларини - тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик, тенглик ва бошқаларни ифода этувчи Олимпия Хартияси, ўзининг дастлабки, соф уставга хос табиатига қарамасдан, бир асрлик эволюцияни бошдан кечирган ҳолда, нуфузли халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида дунё миқёсида тан олинмишгача йўлни босиб ўтган. Халқаро ҳуқуқнинг янги тармоғи - Халқаро спорт ҳуқуқининг шаклланишида ўзак бўлиб хизмат қилган Олимпия хартиясидаги кўплаб қоидаларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари сифатидаги трансформацияси, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, Миллий судларнинг қарорларида Хартиянинг алоҳида ролини акс эттириш ва унинг қоидаларини нуфузли халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ қарорларида мустаҳкамлаш, Олимпия хартиясини махсус турдаги халқаро ҳужжатга (*sui generis*) айлантиради, бу эса Халқаро Олимпия кўмитаси мақомини аниқлашда ҳисобга олинмиши зарур.

ХОҚнинг ҳуқуқий мақомини махсус ўрганган Дж. Нафзигернинг фикрича: “ХОҚ Олимпия аренасидан ташқарида техник жиҳатдан фақатгина чекланган ваколатларга эга бўлган нодавлат ташкилот ҳисобланса-да, унинг жаҳон спорт ҳамжамиятининг эҳтиёжларига доимий равишда муносабат билдириши (*response*) у қабул қилган ҳужжатларни халқаро спорт мусобақаларини тартибга солишнинг асосий воситасига айлантирди” [14].

Унинг фикрича, ХОҚнинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланиши ҳақидаги саволга жавобни ХОҚнинг фаол ва кўп қиррали дипломатиясидан, унинг Олимпия хартиясига асосланувчи халқаро ҳамкорлиги ва ҳуқуқий лаёқатидан излаш керак. ХОҚ томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган функциялари ва ҳуқуқларини “фақатгина юқори даражадаги халқаро ҳуқуқий субъектликка эга

бўлиш ва халқаро майдонда ҳаракат қила олиш лаёқати билан тушунтириш мумкин”.

Саволнинг бундай қўйилиши ўринли эканлигини тўлиқ инкор этмаган ҳолда, ХОҚ фаолияти халқаро нодавлат ташкилотлар учун халқаро ҳуқуқда белгиланган анъанавий чегараларга мос келмаслигини таъкидлаш даркор. Бундан келиб чиқадики, ё ХОҚни ҳар қандай йўл билан ушбу чегаралар ичида ушлаб туриш лозим, ёки у халқаро нодавлат ташкилоти сифатида бундай чегаралардан аллақачон ташқарига чиқиш даражасига етганлигини тан олиш керак. Бошқача қилиб айтганда, Халқаро Олимпия Қўмитаси унинг ўзига хос мақомини ҳисобга олган ҳолда халқаро нодавлат ташкилотларига йўл очиб, уларни халқаро оммавий ҳуқуқда мустаҳкамроқ мавқега олиб чиқиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сохин Ю. От Парижа до Токио / Олимпийская панорама. 1990. « № 3. - С, 11.
2. Olympic World Library. https://library.olympics.com/default/olympic-charter.aspx?_lg=en-GB
3. Olympic Charter. In force as from 8 August 2021. Published by the International Olympic Committee. October 2021. P. 6.
4. Alexandre Mestre. The Institutional Framework for the Development of Olympic Education and the Role of the National Olympic Academy / The Sport Journal, 2010. - Vol. - 24. - <https://thesportjournal.org/article/the-institutional-framework-for-the-development-of-olympic-education-and-the-role-of-the-national-olympic-academy/>
5. James A. R. Nafziger, Stephen F. Ross Edward Elgar, 2013.
6. Olympics and Politics. Seoul, 1984. - P.23.
7. Wu Shaozu. Education: The Soul of the Olympic Movement. -In: The Centennial Olympic Congress. Texts, summaries or plans of papers. IOC, 1994. - P. 19.
8. Сохин Ю. Г. Олимпийская хартия как правовая основа функционирования МОК // Вестник РУДН. Серия: Юридические науки. 2003. №2.
9. Martin v. International Olympic Committee, 740 F.2d 670 (9th Cir. 1984). - <https://casetext.com/case/martin-v-international-olympic-committee#ea82447e-8c65-4776-9d29-417c9fb20f9a-fn2>
10. David J. Ettinger, The Legal Status of the International Olympic Committee, 4 Pace Y.B. Int'l L. 97 (1992). Available at: <https://digitalcommons.pace.edu/pilr/vol4/iss1/4>
11. Agreement between the Swiss Federal Council and the International Olympic Committee. Concluded on 1 November, 2000 // ICAAN — Internat Corporation for Assigned Names and Numbers. <https://archive.icann.org/en/psc/annex6.pdf>.
12. Nairobi Treaty on the Protection of the Olympic Symbol. Nairobi Treaty (1981). Status on November 25, 2022 // <https://www.wipo.int/export/sites/www/treaties/en/docs/pdf/nairobi.pdf>
13. Кузнецова Е. В. Правовой статус Международного олимпийского комитета и Олимпийского движения // Журнал международного права и международных отношений. 2009. №4.
14. Building a peaceful and better world through sport and the Olympic ideal: resolution / adopted by the General Assembly. UN. General Assembly (58th sess.: 2003-2004). [New York]: UN, 18 Nov. 2003 // <https://digitallibrary.un.org/record/505222>
15. Nafziger J. International Sports Law. Transnational Publishers, USA, 1988. - P. 34.

16. Наримонов Б. А. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 5. – №. 8.

17. Нариманов Б. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг халқаро ҳуқуқий асосларига оид айрим масалалар //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 7/S. – С. 285-291. b2.